O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 23-aprel • Payshanba • 48 (29.009) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент Амир Темурнинг муқаддас қадамжоларидан биридир.
Ислом КАРИМОВ

Яқинда Бешариқ туманида «Бешариқ текстил» акциядорлик жамияти негизида «KaloramaTex» акциядорлик жамияти тўла қувват билан иш бошлади.

Жаҳон бозорига йўл

Корхонани реконструкция қилиш жараёнларига маҳаллий инвесторлар жалб этилди. Германия, Италия, АҚШ ва Япония давлатларининг пахта толасини пилталовчи, ипйигирув, тўқув ҳамда тикув дастгоҳлари ўрнатилди. Ишчи ўрни 600 тага етди.

Корхонада йилига 7 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, турли хил рангларда трикотаж маҳсулотлари тайёрланади.



Суратларда: *ишчилар Муҳтарам Ҳаитбоева, Нилуфар Эрматова; тикувчилик цехи бошлиғи Ҳавасхон Қаюмова ва дизайнер Ойхон Юнусова тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

❖ Фракция фаолияти

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда, дея таъкидланди учрашувда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида белгиланган устувор йўналишлар ҳамда вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашуви каби оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда мамлакатимиз раҳбари ишлаб чиққан беш тамойил асосида ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели танланган эди. Ҳозирда дунёда авж олиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бу йўл ўзининг нақадар ҳаётийлигини исботламоқда. Бундай мураккаб шароитда давлат бош ислоҳотчи сифатида иқтисодиётни сиёсатдан афзал кўриб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаши, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориши, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириши ибратга лойиқ тажриба эканини ривожланган мамлакатлар олимлари, экспертлари ҳам эътироф этишмоқда.

Тадбирда ушбу масалалар юзасидан мулоҳаза алмашилди. Инқироз шароитида жаҳонда ва мамлакатимизда юз бераётган жараёнлар таҳлил этилди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тобора кучайиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири, хавфининг олдини олиш, оқибатларига барҳам бериш мақсадида олиб борилаётган амалий ҳаракатлар ҳақида ахборотлар берилди. Иқтисодиётимизнинг реал аҳволи ва шароитни ҳисобга олиб, мамлакатда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган. Ҳозир дастур ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар турмушимизда ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари мазкур китоб давлат органлари, ташкилотлар, ижтимоий-иқтисодий тузилмалар учун инқирозга қарши курашишда асосий қўлланма бўлишини эътироф этдилар.

Учрашувда, шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар, ЎзХДП фракциясининг фаолияти тўғрисида ҳам фикр юритилди.

Асли КАМОЛ

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

БУХОРО. Кун сайин чирой очиб бораётган Когон шаҳри яна бир турар жой билан кўркамлашди. Шаҳарнинг Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий лойиҳа асосида тўрт қаватли уй-жой биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Уч ва тўрт хонадан иборат бу уйлар айни кунларда 32 оиланинг қувончига қувонч қўшмоқда. Ҳамма қулайликка эга бўлган янги уй-жой «Бухороуйқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бинокорлари томонидан қисқа фурсатда қад ростлади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу кўпқаватли уй «Қоровулбозор» шоҳ кўчасидаги энг шинам турар жой деб эътироф этилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ

СУВ ОМБОРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

СУРХОНДАРЁ. Олтинсой туманидан оқиб ўтувчи Обшир дарёсида сув омбори қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди.

Сув омбори қурилишида 450 миллион сўмлик ер қазиш ва темир-бетон ишлари амалга оширилди. Натижада 2000 гектар майдонда ястаниб ётган боғ ва узумзорларнинг обиҳаёт билан таъминланиши тубдан яхшиланди. Обшир қишлоғининг ўзида ўнлаб гектар янги ер ўзлаштириш имконияти пайдо бўлди.

Янги иншоотнинг барпо этилиши билан боғ ва узумзорлар ҳосилдорлиги ошиб қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси яхшиланади.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ

✓ Кўргазма

«МАЛАЙЗИЯДА ТАЪЛИМ»

Бугунги кунда дунёнинг қатор мамлакатларида таҳсил олаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Буни пойтахтимизнинг Бизнес марказида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган «Малайзияда таълим» деб номланган кўргазмадан ҳам билса бўлади. Учинчи маротаба уюштирилаётган мазкур тадбирда Малайзиядан ташриф буюрган қатор таълим муассасасаларидан, жумладан, учта нуфузли университет, саккизта коллеждан келган вакиллар иштирок этиб, 47 та ихтисослик бўйича ушбу давлатнинг таълим тизимини талабаларга намойиш қилишди.

Кўргазмага ташриф буюрган Малайзия Олий таълим вазирининг ёрдамчи ассисенти Вон Ханиса хоним сўзга чиқар экан, мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланиб, давом этишига ишонч билдирди.

— Ҳозирги кунда Малайзияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар сони 185 нафарни ташкил қилади, — деди у. — Уларнинг давлатимизда мукаммал таълим олишлари учун қулай шароитлар яратилган. Бизнинг таълим тизимимиз ҳар томонлама жаҳон таълим стандартларига жавоб беради.

Кўргазмага нафақат ёшлар, балки уларнинг отаоналари ҳам ташриф буюриб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ

СОБИҚ АСКАРЛАРГА ЭЪТИБОР

Сергелилик Бахтиёр Жалолов муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган кўплаб аскарлар қатори уйига қайтгач, туман алоқа бўлимига ишга жойлашди.

— Армияда алоқачилар гуруҳида хизмат қилиб, соҳага оид кўп нарсаларни ўрганганим бугун ишимда жуда қўл келмоқда, — дейди Б.Жалолов. — Иш жойи ва доимий даромадга эга бўлганимдан мамнунман.

Мамлакатимизда Бахтиёр каби ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтган йигитларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ўқиш ва ишга жойлашиши учун амалий ёрдам берилаётгани собиқ аскарларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлари томонидан ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари бунда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мазкур бошқармадан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллий ҳокимликлар, тегишли идора ва корхоналар билан ҳамкорликда ўндан ортиқ меҳнат ярмаркаси ўтказилган. Уларга жалб этилган фуқароларнинг ўн минг нафардан ортиғи ишга жойлашиш учун йўлланма олган. Бундай имкониятга эга бўлганларнинг 120 нафардан ортиғи шу йил муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ёшлардир.

Бундан ташқари, олтмиш нафарга яқин собиқ аскар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишга кириш учун ҳужжат топширди. 280 нафардан ортиғи олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Х.САЛИМОВ, ЎзА мухбири

✓ ЎзХДП: бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

ва чуқур таҳлил қуйи бўғин фаолиятини кучайтиришнинг асосий омилларидан биридир

Қоракўл туманидаги «Зиёрат» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилоти ҳисобот-сайлов тадбирида бу фикр алоҳида таъкидланди. Партия ташкилоти раиси Акбар Ўринов узундан-узоқ маърузадан воз кечиб, эришилган ютуқларни мухтасар қилди, йўл қўйилган камчиликларга кўпроқ тўхталди.

— Кейинги беш йил ХДП аъзолари учун синов даври бўлди, — деди у. — Собиқ ширкат хўжалиги негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари, маҳалла ва ташкилотларда хизмат қилаётган партиядошлар бошини қовуштириш, уларни замонга ҳамнафас қилиш, сиёсий-ижтимоий жараёнларга фаоликка ундашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувлар изчил йўлга қўйилди. Тарафдорларимиз кўп. Аммо беш йилда атиги 15 киши сафимизга қўшилган. Партия ташкилотининг ҳудудда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамлар ҳаётини фаровонлаштиришга қаратилган ташаббусларини янада фаоллаштиришни давр тақозо қилмоқда.

2-бет

Қарор ва ижро

• ҚОНУНГА ИТОАТ

унга масъулият билан муносабатда бўлишни талаб қилади

Фермер электр энергиясидан 3 ой давомида ҳисоб-китобсиз фойдаланган. Натижада «Қорақалпоқэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятига 4.830.840 зарар етказилган.

2-бет

• ТОШКЕНТ ТАРИХИДА АМИР ТЕМУРНИНГ ЎРНИ

Амир Темур даврида Тошкентга салтанатнинг муҳим таркибий қисми сифатида катта эътибор қаратилган...

3-бет

• ЮРАК БИЛАН «ТИЛЛАШГАН» ДОКТОР

Профессорнинг ҳар бир куни яхшиликка, беморлар дардига малҳам бўлишдек олижаноб ишлар билан ўтади. «Мен сиздан шифо топдим, раҳмат», деган сўзларни эшитса, кўнгли тоғдек кўтарилади, кучига куч қўшилади.



4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

ва чуқур таҳлил қуйи бўғин фаолиятини кучайтиришнинг асосий омилларидан биридир

— Ҳудудий партия ташкилотининг обрўси аъзоларнинг ташаббускорлиги, фаоллиги билан ортади, — деди партия фаоли, меҳнат фахрийси Раҳмон Ҳамроев. — Сафдошларимизнинг барчаси ҳам партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда фаоллик кўрсатаяпти дея олмаймиз. Туман ва вилоят Кенгашларига сайлаган баъзи бир депутатларимиз, депутатлик гуруҳлари фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Ҳолбуки, қишлоқ муаммолари — аҳолини тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан узлуксиз таъминлашда айрим муаммоларга дуч келаяпмиз. Ана шундай пайтда партия ташкилоти фаолларни, депутатларимизни қишлоғимизга чақириб, одамлар билан юзма-юз мулоқотларни ташкил этиши керак эди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросига қай даражада ҳиссамиз қўшиляпти? Жаҳон молиявий инқирозига қарши қишлоқда инфратузилма, қўшимча иш ўринлари яратишда етарли ташаббус кўрсатаяпмизми? Бу масалаларда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

— Партия ташкилоти номига фаолият юритмаслиги керак, — деди «Шомурод Авез» фермер хўжалиги раҳбари Нуриддин Авезов. — Аҳоли орасига кириб бориш, жонли ва амалий ташвиқот ишларини кўпайтириш бунда муҳим аҳамият касб этади. Ҳисобот даврида юзма-юз мулоқотлар, маърифат соатлари жуда кам ўтказилди. Маълумки, туман партия кенгаши ҳузурида Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатади. Партиянинг қуйи бўғинида ҳам ойда бир марта қабул ташкил этилса, одамларимиз, хусусан, партиямиз электорати вакилларини ташвишга солаётган муаммолар ечимига таъсир кўрсатади, албатта.

Йиғилишда сўзга чиққан Маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Тоштемир Султонов партия сафларига ёшларни кўпроқ жалб этиш, электорат билан алоқани мустаҳкамлаш, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиш кераклигини таъкидлади.

— Бу гаплар номига айтилиб, шундай қолиб кетмаслиги керак. — деди у. — Ҳар бир амалий ишимиз Ватан тараққиётига, демак, ўз ҳаётимизни яхшилашга хизмат қилади. Буни унутмаслик керак!

Шунингдек, у қишлоқ ёшларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилувчи «Ҳуқуқий маслаҳатхона»ларни ташкил этиш масаласини кун тартибига қўйди.

Йиғилишда партиядошлар партия ташкилоти раислигига Акбар Ўриновни қайта сайлади ва унинг зиммасига кўпгина вазифаларни юклади.

— Ҳудудимизда ташкил этилаётган деярли барча йиғилишлар ўз-ўзини танқид руҳида ўтмоқда, — дейди туман партия кенгаши раиси Файзулла Беҳбудов. — Зеро, ўз-ўзини танқид ва чуқур таҳлил қуйи бўғинни фаоллаштиришнинг асосий омилларидандир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

❖ **ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти**

ҲАР БИР АЪЗОГА БЕШ ТУП КЎЧАТ

ташаббус ўлмасин, ташаббус сўнмасин

Жиззахда ЎзХДП вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан бошланган «Ҳар бир аъзога беш туп кўчат» ҳаракати давом этмоқда.

Ўтган бир ойдан кўпроқ муддат ичида қанот атрофига уюшган 2766 нафар йигит-қиз жойларда 1000 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздилар. Шу билан бирга, ёшларимиз шаҳар, туманлардаги 10 та боғда мавжуд дарахтларга шакл бериш, уларни парваришлашда ҳам иштирок этишди.

Ушбу ҳаракатда партиямизнинг Ғаллаорол, Зомин, Бахмал, Зарбдор, Мирзачўл ва Пахтакор туманлари ҳамда Жиззах шаҳри кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, айниқса, фаоллик кўрсатди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда янги боғ-роғлар барпо этиш, мавжудларининг қаровини яхшилаш, шу тариқа обод ва гўзал масканларни кўпайтириш, табиатни асраб-авайлашдек эзгу ниятни дилларига тугиб яшаётган «Истиқбол»чи йигит-қизларимиз мамлакатда амалга оширилаётган буюк яратувчилик ишларига ўзларини дахлдор, деб ҳис қилмоқдалар.

«Ҳар бир аъзога беш туп кўчат» ҳаракатида иштирок этаётган ёшларимиз яна 4000 тупдан зиёд дарахт ўтқазиш, янги гулзорлар яратишни режалаштирган.

Шуниси ҳам эътиборлики, ҳар қайси ёш ўзи ўтқазган дарахтни йил бўйи парваришлаш, унинг барқ уриб кўкариши, гуллаб-яшнаши учун масъулдир.

Шаҳноза ТАНГРИЕВА,
ЎзХДП вилоят кенгаши
«Истиқбол» ёшлар қаноти раиси

Ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. «Коинот» очиқ акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар бунинг мисолидир.

Мазкур корхона дастлаб «Коинот» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси сифатида 1969 йили ташкил топган эди. Ўтган 40 йил мобайнида унинг фаолият доираси кенгайиб, йирик ишлаб чиқариш даргоҳига айланди.

ҚИШЛОҚ АҲЛИГА ТЕЛЕФОН, ФАКС, ИНТЕРНЕТ...

— Ҳозир асосий эътибор «Коинот Эл-СГМ» русумли масофада ишловчи абонент концентраторини тайёрлашга қаратилган, — дейди жамият бош директори Сирожиддин Фахруддинов. — Қурилманинг вазифаси — рақамли телефон станциясининг Е1 портига бир жуфт сим орқали уланиб, бир неча километр узоқликда 16 тадан 416 тагача абонентга замонавий рақамли телефон алоқаси ва интернетга уланиш хизматлари кўрсатишдан иборат.

Биз қишлоқ ҳудудларини тўлиқ замонавий телекоммуникация ускуналари ва хизматлари билан таъминлаш мақсадида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси билан яқин алоқа ўрнатдик. Тошкент вилояти Янгийўл туманининг «Озод» қишлоғида ўрнатилган сиғими 64 рақамли коммутация яхши ишлаб турибди. Сиғими 7152 портли 42 та «Коинот Эл-СГМ» русумдаги рақамли коммутация қурилмасини ишлаб чиқариш шартномаси муваффақиятли адо этилди. Қурилма Давлат стандартлаштириш агентлиги томонидан яхши баҳоланди...

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан «Коинот» зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган. Ҳозир қишлоқ ҳудудларида абонент концентраторлари кўплаб ўрнатилмоқда. Жумладан, 57968 портли 324 дона қурилмадан самарали фойдаланилмоқда.

Аҳолининг телефон, факс, интернет каби алоқа хизматларидан фойдаланиш имкони юзага келиши билан бирга туман телекоммуникациялар боғламалари даромадлари ортиб бормоқда. Телекоммуникациялар соҳасида шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовутни камайтириш, яъни, қишлоқ аҳолисига шаҳарлардагидан қолишмайдиган даражада алоқа хизматлари тақдим этишга жиддий эътибор берилмоқда. Жамиятнинг жорий йилда яна бир қатор режалари борки, улар, шубҳасиз, биринчи навбатда аҳоли учун қулайликлар яратишга хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ.

❖ **ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати**

ОВУЛ ВА ҚИШЛОҚЛАР ОБОДЛИГИ

диққат марказида

Қорақалпоғистон республика партия кенгаши аъзолари ҳамда электорат вакилларида юксак маънавият, сиёсий маданият ва фуқаролик масъулиятини шакллантириш, шунингдек, қишлоқ ҳаёти ва маданиятини янги поғонага кўтариш — электорат манфаатларига хизмат қилади, деб аталган ўқув семинари ташкил этди.

Унда республика партия кенгаши ижроия қўмитаси, Жўқорғи Кенгесдаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, «Фаол аёллар» ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, экспертлар иштирок этди.

— Минг йиллик тарихга эга миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларимиз ҳамиша халқ ардоғида, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Гулистон Аннақличева. — Мустақиллик йилларида ўзлигини таниган ҳар бир инсон миллий анъаналаримизга юксак ҳурмат билан қараб келмоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши партиямиз аъзолари орасида ҳам юксак маънавият, сиёсий маданият ва фуқаролик масъулиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Биз жамоатчилик, электорат орасида иш олиб бораётганда аввало шу масалага эътибор қаратишимиз зарур.

— Қишлоқ ва овулларда ишлаб чиқариш билан бирга, инфратузилма ривожлантириш, бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, одамлар турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ишлар энг долзарб вазифаларимиз бўлиши муҳим, — деди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Назира Матёқубова. — Ободонлашаётган қишлоқ ва овулларда замонавий турар жойлар, равон йўллар барпо этилмоқда, электр энергияси, тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш борасида катта ишлар олиб борилаяпти. Ушбу чора-тадбирлар ўз самарасини беради, албатта. Шу билан бирга, қишлоқ жойларида ижтимоий объектлар тармоғи яъни тиббиёт пунктлари, мактаблар, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация, почта алоқаси, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари фаолиятини йўлга қўйиш ишлари ҳам изчил амалга оширилиши устидан жамоат назоратини кучайтиришимиз талаб этилмоқда.

Электоратимизнинг катта қисми қишлоқ ва овулларда яшайди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқ-овул аҳли манфаатларини тўлиқ таъминлаш, турмуш маданиятини янги босқичга кўтариш, аҳолини, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлиги, даромадларини ошириш ҳисобига турмуш фаровонлигига эришиш олдимизда турган асосий вазифалар ҳисобланади.

Семинарда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди ва бу борада амалий чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники

«Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимиз аграр тармоғига техника етказиб беришда ўз ўрнига эга. Ҳозир заводда тракторлар, 400 турдаги эҳтиёт қисм ва истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Эндиликда улар сафига завод муҳандис-конструкторларининг бир неча йиллик изланишлари самараси бўлган янги авлод тракторлари қўшилди. Унинг техник кўрсаткичларини белгилашда замонавий машинасозликнинг сўнгги ютуқлари ҳисобга олинди. Ушбу трактор бир йўла қатор вазифани бажаради: унга экскаватор асбоб-ускуналари, кранли осма тизим, бульдозер қисмлари ва тиркама улаш мумкин.

Тракторнинг юк кўтариш қуввати 3000 килограммгача етказилиб, қулай ва шинам кабинага эга. Юриш қисми ҳам тўла такомиллаштирилган.

Тармоқда маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилаётгани туфайли қисқа даврда импорт ўрнини босувчи кўплаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Яқин-яқингача қарийб қирқ турдаги бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар хориждан келтирилар эди. Ҳозир маҳаллий хомашё негизида 10 турдан зиёд тайёр маҳсулот, ускуналар, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ғилдирак дисклари, трактор кабиналари, куч узатувчи эҳтиёт қисмлар шулар жумласидандир.

Тўлиқ маҳаллий хомашёдан тайёрланаётгани учун янги дизайндаги трактор кабиналарининг сифати юқори, таннархи арзон. Тошкент лак-бўёқ заводи ва Қувасой ойна ишлаб чиқариш корхонасидан зарур бўёқлар ва трактор кабиналари учун ойналар, Жиззахдан аккумулятор қисмлари харид қилинмоқда, баъзи эҳтиёт қисмлар эса Бекобод металлургия комбинатидан олинмоқда.

Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бораётир. Маҳсулотлар Туркманистон, Қозоғистон, Озарбойжон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Жорий йилнинг ўзида 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилиш юзасидан шартномалар имзоланган.

Суратларда: *(чапдан) чилангар Рустам Атласов ва тракторчи Маҳаммаджон Назирқулов; янги техникалар.*

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган суратлар

МИЛЛИЙ ЎЙИНЧОҚЛАР

Эсимда, Китоб туманида ўтган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида кўплаб халқ амалий санъати намуналари қатори чевар ва тадбиркорларнинг замонга мос буюмлари ҳам намойиш қилинган эди. Шулардан бири Қўқон шаҳридан келган Шоҳсанам Худойбердиева ўзи ясаган 6-7 хил қўғирчоқларни кўрсатиб шундай деган: «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйига келган Юртбошимиз мен яратган қўғирчоқларни кўриб: «Болаларимиз ҳар хил «Барби»ларни эмас, миллий қўғирчоқларимизни ўйнаб ўссинлар», деди. Шундан келиб чиқиб, ҳунаримни кўплаб ёшларга ўргатаяпман.

Аслида ҳам шундай. Нега энди фарзандларимиз кўриниши «бегона», миллий руҳимизга мос келмайдиган ўйинчоқларни ўйнаши керак? Зеро, ўйинчоқлар бола учун шунчаки овунчоқ эмас, балки фарзандларимизга миллий тарбия беришда муҳим ҳисобланади. Бинбарин, кейинги пайтда кўплаб тадбиркорларимиз ҳаётимиз қувончи бўлган фарзандларимизга шундай қўғирчоқларни инъом этишяпти.

— Ғузор туманидаги Халқобод қишлоғида истиқомат қилаётган Дилафрўз Қодирова ана шундайлардан бири. Дилафрўз каштачилик ҳунарини ёшликдан ўрганди, кейин миллий қўғирчоқлар ясашга қизиқиб қолди, бу касбни ҳам пухта эгаллади. Ҳунарманднинг буюмлари кўпчиликнинг эътиборини тортди. У «Ташаббус-2009» кўрик-танловининг қуйи босқичида ғолиб деб топилди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ **Қарор ва ижро**

ҚОНУНГА ИТОАТ

унга масъулият билан муносабатда бўлишни талаб қилади

Хўжайли туманидаги ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролардан нафақа тайинлаш бўйича келиб тушган аризаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши ўрганилганда бу борада қонун бузилишларига йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

1 «Жанажап» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро А.Толегенова боласи 2 ёшга етганига қадар уни парвариш қилишга нафақа тайинлашни сўраб, фуқаролар йиғини раиси К.Қадиримбетовга ариза билан мурожаат қилган. Лекин раис «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талабларини бузиб, ушбу аризани тегишли тартибда рўйхатга олмаган, кўриб чиқиш учун комиссияга тақдим қилмай эътиборсиз қолдирган. Шунингдек, фуқаро А.Ешбаевнинг болаларига нафақа олиш учун берган аризасига ҳам муносабат юқоридагидек бўлган. Худди шундай ҳолат «Кенегес», «Сарайкол», «Саманкол», «Бегжап» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам аниқланди.

Мазкур ҳолатлар бўйича қишлоқ фуқаролари йиғинлари раисларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси билан иш қўзғатилиб, улар суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилди.

2 Хонадонларимиздаги чироқларнинг ҳар доим нурафшон бўлиши, ўчоқларимизда зангори оловнинг мунтазам ёниб туриши истеъмолчи ва таъминотчининг виждонан ишлашига, бу борадаги қонун ҳужжатларига бўйсунишига боғлиқ. Шу маънода, коммунал тўловлар бўйича мавжуд қарздорликни бартараф этиш, ноқонуний равишда электр ва газ тармоқларига уланиб, фойдаланганларни фош қилиш прокуратура органларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

3 «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси Қорақалпоғистон ҳудудий бўлими билан биргаликда ўтказилган текширишларда бу борада ноқонуний ҳолатларга дуч келинди. «Ақалтин» МТП ҳудудида жойлашган «Хожели-Нур-Диёр» фермер хўжалиги бошлиғи Даврон Собиров ўзига қарашли ерларни суғориш мақсадида трансформатор қурилмаси ва насос агрегатини ҳеч қандай техник ҳужжатларсиз, электр ҳисоблагичсиз ва энерготаъминот корхонаси билан шартнома тузмасдан Тахиатош электр тармоқларига қарашли электр узатиш линиясига улаб олган. Фермер электр энергиясидан 3 ой давомида ҳисоб-китобсиз фойдаланган. Натижада «Қорақалпоқэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятига 4.830.840 сўм зарар етказилган.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Даврон Собировга нисбатан Жиноят кодекси (ЖК)нинг 185^2-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Келтирилган моддий зарар тўлиқ қопланди ва айбдор шахслар суд томонидан тегишли жазога тортилди.

4 Текширишларда «Хўжайли тумангаз» филиали мансабдор шахслари томонидан ўтган йил давомида туман ҳудудидаги истеъмолчиларга бирон-бир ҳисоб-китобсиз табиий газ етказиб бериш йўли билан умумий қиймати 11.059.330 сўм бўлган табиий газ маҳсулотлари талон-торож қилинганлиги аниқланди. Энг қизиғи, 10 нафар фуқаро томонидан топширилган 1.042.189 сўм миқдордаги газ тўловларининг 709.286 сўми филиалнинг ҳисобига умуман кирим қилинмаган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Юртимизда қонуний тадбиркорлик билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар етарли. Лекин шундай бўлса-да, белгиланган тартиб-қоидани айланиб ўтишга уринаётган «тадбиркор»лар ҳам, афсуски, бор.

Фуқаро БегжанEmbергенов Хўжайли тумани давлат солиқ инспекциясидан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни четдан олиб келувчи якка тадбиркор тариқасида рўйхатдан ўтган. У Россия Федерациясидан дастлаб ўтган йилнинг июль ойида 400 қоп 1-навли, кейинчалик яна 400 қоп 2-навли ун маҳсулотларини Хўжайли туманига сотиш мақсадида олиб келган. Аммо Вазирлар Маҳкамасининг 26.12.1994 йилги «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги ҳамда 05.08.2002 йилдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабларини кўпол равишда бузган ҳолда назорат-касса аппаратисиз жами 500 қоп ун маҳсулотларини 20.000,0 минг сўмга сотиб, шундан 6.225,0 минг сўмини банкка топширган, холос. Қолган 13.775,0 минг сўмлик накд пул тушумларини эса банк кассасига топширмаган.

5 Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Бегжан Ембергеновга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Қонунни айланиб ўтишга уринишларнинг оқибати яхшиликка олиб келмайди. Қонунга итоат қилганларнинг эса ҳар доим иши бароридан келади. Эл ичида ҳурмат-обрў қозонади. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатнинг асосида ҳам ҳуқуқий маданият, қонун устуворлиги ётади.

Султонбой ИБРАИМОВ,
Хўжайли тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси.

❖ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ТОШКЕНТ ТАРИХИДА АМИР ТЕМУРНИНГ ЎРНИ

Маълумки, мустақиллик йилларида ўзбек халқининг асрлар силсиласида яширинган олтин мероси қайтадан тикланиб, унинг дунё цивилизациясига қўшган катта ҳиссаси яна ҳам аниқроқ, ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Наинки, буюк аждодларимиз, балки умуминсоният мулкининг гавҳарлари бўлмиш қадим Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Хива каби шаҳарларимиз тарихини ўрганиш, қадимий бетакрор ёдгорликларини таъмирлаш, асраб-авайлашга катта эътибор берилмоқда.



Президентимиз Ислом Каримов миллий тарихимиз ўтмишда бошқалар манфаатларига асосланган ҳолда ёзилгани, эндиликда ўз олимларимиз тарихга ойдинлик киритиши лозимлигини бир неча бора таъкидлаб ўтган. Юртбошимизнинг ташаббуси билан тарихимизни холис ўрганиш бўйича катта илмий, маънавий ва маърифий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мана, бугун тарихда дўстлик, нон ва тинчлик шаҳри номи билан шуҳрат топган, Шарқнинг дарвозаси деб эътироф этилган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига қизғин тараддуд кўрилмоқда. 2007 йилнинг 2 ноябрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинган. Бу қарорнинг қабул қилинишида республика ҳукуматининг хизмати беқиёс.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидай «Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир».

Бу қарор қадимдан илм-фан маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида ҳукумат томонидан катта иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирлар амалга ошириб борилмоқда.

Ўрта Осиёнинг илм-маърифат ва тараққиёт марказларидан ҳисобланган, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган, географик жойлашуви жиҳатидан ҳам мўътадил иқлимга эга бўлган Тошкент шаҳри наинки миллий тарихимиз, балки умумжаҳон цивилизацияси тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутиб келган. Тошкент жаҳон цивилизацияси бешигини тебратган марказлардан бири, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Гўзал водийда жойлашган ушбу баракотли шаҳардан кўплаб олиму уламолар, ишбилармон савдогарлар, аҳли солиҳлар етишиб чиққан.

Асрлар силсиласида бу маконда халқимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маърифий, интеллектуал мулки бунёдга келган. Маданият ва тараққиёт марказига айланиб борган бу кўҳна диёрнинг кейинчалик Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Қўқон ва бошқа шаҳарлар қаторида юксак мавқега эришиб, пойтахт мақомини олишига мустаҳкам пойдевор яратилган.

Ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур бу қадим шаҳарда ўзининг сиёсий фаолиятини олиб борган. Жумладан, унинг миллий озодлик курашлари тарихида Тошкент алоҳида ўрин тутади.

1365 йилда мўғулларга қарши олиб борилган «Жангги лой» фикримизга ёрқин мисолдир. Тарихий манбаларда ушбу жанг ҳақида анча кенг тафсилотлар баён этилган. Хусусан, Амир Темурнинг жанг олдидан тадориклари ҳам баён этилган. Жумладан, бир неча кун унинг отларга дам бергани, мўғул лашкарлари атрофига ғовлар қургани ва бошқалар ҳақида маълумотлар бор.

Манбаларда келтирилишича, бу жангда ҳар икки тарафдан кўплаб қўшинлар қатнашган. Тошкент ва Чиноз ўртасида бўлиб ўтган бу жанг пайтида кучли ёмғир ёққан.

Қўшин жанг қилишга қийналган, камон ва ёйлар ивиб кетганидан отилмай қолган. Лой ва балчиқ кўплигидан отлар ҳам ҳаракатлана олмай қолган. Шунинг учун ҳам бу жанг тарихда «Жангги лой» номини олган.

Бундан кўринадики, Амир Темур сиёсий ҳокимиятга келиш арафасида Тошкент атрофида мўғул аскарларига қарши қаттиқ курашлар олиб борган. Бу жанг тафсилотларини таҳлил қилиб жангга аввалдан катта тайёргарлик кўрилгани, ҳали ҳокимият тепасига келмаган Амир Темурнинг катта жидду жаҳд кўрсатиб, ташкилий, молиявий ва ҳарбий масалаларни ҳал қилгани осон кечмаганини ҳис этиш мумкин. Демак, Амир Темурнинг миллий озодлик кураши илк даврлари Тошкентда бошланган ва бу пайтда шаҳар чет эл босқинчиларига қарши кураш марказига айланган, деб хулоса қилиш мумкин.

XIV асрнинг 60-йилларида Моваройннаҳр тахти учун Амир Темур ва Амир Ҳусайн рақиблик қилган. Амир Темурнинг обрўси ошишидан чўчиган Ҳусайн турли ҳийла-найрангларни ишлатиб, унинг кучларини синдириб, йўлини тўсишга интилган. Бу эса озодлик курашини олиб боришга салбий таъсир кўрсатган.

Амир Темур ўз қайнағаси ва яқин дўсти Амир Ҳусайн билан дўстона муносабатларнинг бузилишига унинг молпарастлиги ва ҳасадчилиги сабаб бўлгани, шу туфайли Амир Ҳусайндан халқнинг кўнгли қолганлигини ўз ҳикоятларида айтиб ўтган. «Амир Ҳусайн билан муросаю-мадора қилишга шунчалик интилдимки, ҳатто унинг амирларига ҳам бу таъсир этиб, менга бўйсундилар», — дейди у.

Бироқ, Амир Темур ва Ҳусайн ўртасидаги муносабат барибир кескинлашиб бораверади. Ҳусайн ҳар гал сотқинлик ва номардлик қилиб, кейин кечирим сўраштан уялмас эди.

Бу орада Амир Темурнинг ҳаммаслаклари кўпайиб, унинг обрўси кундан кунга ортиб боради. Амир Темур Ҳусайнга қарши курашишга шайлана бошлайди. Бундан ташвишга тушган Амир Ҳусайн Тошкент ва Хўжанд уламоларига одам юбориб, Амир Темур билан яраштириб қўйишда кўмак сўрайди. Тошкент уламолари мамлакатдаги таранг сиёсий вазиятни енгиллаштиришга ҳаракат қилиб, Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг ўртасига тушадилар. Низомиддин Шомий бу ҳақда «Уламо ва машойих тўпланишиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига боришди. Мадҳу сано удумини бажо келтириб, дуо расм-русумини адо этишгач, шундай дедилар: «Лашкарни тезлаш раият ва мамлакат аҳолисининг харобалигига сабаб бўлади, яхши ният ва камоли эътиқодингиз шуни тақозо этадики, сиз сулҳ тузишга мойил бўлинг, токи мамлакат хавф-хатардан амонда бўлсин, раиятлар фаровон ва хотиржамликда ҳаёт кечира олсин».

Амир Темур «Сулҳ хайрлидир» қоидасига кўра, уламоларнинг бу гапига қулоқ солади ва Ҳусайн билан сулҳ тузиб, бўлган дилхираликларни унутади.

Демак, тошкентлик уламолар, илм аҳллари ўртадаги кескин вазиятни енгиллаштирадилар, халқнинг тинчлиги йўлида саъй-ҳаракат қиладилар.

Манбалардаги маълумотларга кўра, Амир Темур Тошкентда кўп бора бўлган. Хусусан, у Мўғулистон ҳонлари ва Тўхтамишхонга қарши юришларини шу шаҳар орқали амалга оширган. Бундан кўринадики, ўша даврдаёқ шаҳар стратегик аҳамиятга эга бўлган.

Ҳазрати Соҳибқирон бобомиз Амир Темур бу диёрга алоҳида эътибор билан қараган, унинг иқтисодий ва маънавий жиҳатдан юксалишига ҳомийлик қилиб, бу борада чора-тадбирлар қўллаган. Илм-маърифат аҳлларига ҳомийлик қилган, уларнинг ижтимоий ҳимоясини амалга ошириб, илмий-маърифий ишлари учун қулай имкониятлар яратган.

Амир Темур томонидан 27 давлатни бирлаштирган йирик салтанатнинг барпо этилиши Буюк ипак йўлининг ривожига замин бўлган, ички ва ташқи савдо ривожланган, табиийки, бу жараёнлар Тошкентнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Амир Темур бу шаҳарда катта ободончилик ишларини олиб борган. Маъмурий бинолар, савдо расталари, тим ва равоқлар, кўчалар, шифо масканлари, ҳаммомлар, кўприк, карвонсарой, мадраса ва масжид, қозихоналар қурдирган. Шаҳарнинг ҳудудлари кенгайтирилган, унинг қалъа деворлари мустаҳкамланган. Ҳунармандчилик ва савдо юксак даражада ривожланиб, унинг мамлакат ичкариси ва ташқарисидаги мавқеи ортиб борган. Тошкент атрофига каналлар қурилган, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу даврда шаҳар хилидаги Оҳангарон қишлоғига асос солинган. Экин-тикин ишларининг мунтазам йўлга қўйилишига, мўғуллар даврида пайҳон бўлган ерларни қайта тиклашга, янги ерларнинг ўзлаштирилишига катта эътибор қаратилган.

Давлатни адолатли, мустаҳкам бошқарув сиёсати янги мулкдорларнинг шаклланишига, кучли ижтимоий ҳимояни йўлга қўйишга сабаб бўлади. Хусусан, Тошкентда ташқи савдо билан шуғулланувчи «тужжорлар» табақаси ҳам кўпаяди. Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг ўзаро алоқаси кучайиб боради. Товар-пул муносабатларининг ривожи қишлоқ заминдорларининг шаҳарда тадбиркорлик ишларини олиб боришига имкон яратади. Қишлоқ аҳолисининг бой заминдорлари шаҳарда қатор дўкон, карвонсарой ва бошқа даромадли иншоотлар қуришади, савдо-сотиқ ва тадбиркорлик ишларига тортилади. Бир сўз билан айтганда, ер эгалиги тарихининг янги ривожланган палласи бошланади.

Бу даврда зиёлилар табақасининг сони ҳам ошиб, Тошкент наинки савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик, балки илм-фан марказига ҳам айланиб боради.

Тарихдан аёнки, Соҳибқирон Амир Темур бир умр диний ва дунёвий илм эгаларига ҳурмат бажо келтирган, улардан ёрдамини аямаган, айни чоғда мураккаб масалалар ечимида уларнинг маслаҳатига таянган.

Тошкент уламолари, жумладан, авлиё Зангиотага ҳам унинг ҳурмати баланд бўлган. Соҳибқирон бу мўътабар авлиёнинг адолат, ҳақиқат, диний ва дунёвий меросини ўрганган. Бундай зотларга ҳурмати ва эҳтироми рамзи сифатида Шайх Зайниддин бобо, Зангиота мақбараларини обод этган.

Юқоридаги маълумотлар Амир Темур даврида Тошкентга салтанатнинг муҳим таркибий қисми сифатида катта эътибор қаратилгани, Тошкент тарихи ва тақдирида буюк бобомизнинг хизмати катталигига гувоҳлик беради.

Бугун пойтахтимиз Тошкент шаҳри марказида Амир Темур сиймоси мардонавор қад ростлаб туриши, шаҳарнинг шоҳ кўчаларидан бири Амир Темур номи билан аталиши, Темурийлар тарихи давлат музейининг кўрки, салобати, сехри қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари доктори.



САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ
қайта ҳисобланди

Молдова Марказий сайлов комиссияси шу йил 5 апрелда бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларини қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Ушбу сайловда ҳукмрон Коммунистик партия ғалабани қўлга киритганлиги яна бир бор тасдиқланди.



Маълумки, дейилади «Новости» АА хабарида, 6 апрель кунги биринчи ҳисоб-китобда ҳам Коммунистик партия 50 фоизга яқин овоз олиб, ғолиб бўлганлиги эълон қилинганди. Буни хорижий кузатувчилар ҳам тасдиқлашган ва сайлов жараёнида қонунбузилиш ҳолатлари содир этилмаганлигини айтишганди. Аммо 7 апрель куни мухолифатчилар сайлов натижалари сохталаштирилган, дея норозилик намойишларини уюштирдилар. Бу намойиш эса оммавий тартибсизликларга айланиб кетган эди. Шундан сўнг мамлакат президенти, ҳукмрон Коммунистик партия раиси Владимир Воронин сайлов натижаларини бошқатдан ҳисоб-китоб қилишни сўраб, Конституциявий судга мурожаат этди. Конституциявий суд эса мухолифат ва бошқа холис кузатувчилар иштирокида сайлов натижаларини ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди ва унинг ижросини Марказий сайлов комиссиясига топширди.

ҲАРБИЙ МАШҚЛАРДА
қатнашмасликка қарор қилди



Қозоғистон, Эстония ва Латвия НАТОнинг шу йил 6 майдан 1 июнгача Грузия ҳудудида ўтказадиган «Cooperative Longbow 09/Cooperative Lancer 09» ҳарбий машқларида иштирок этмасликка қарор қилганини билдирди.

Латвия мудофаа вазири бюросининг раҳбари Айрис Риквейлиснинг таъкидлашича, мамлакатдаги оғир молиявий аҳвол ҳарбий машқларда қатнашмасликка сабаб бўлолмайди, балки ҳозир Грузияда вазият барқарор эмас, бу эса у ёққа қўшимча одамлар жўнатишни тақозо этмайди.

«Regnum» АА маълум қилишича, Қозоғистон билан Эстония ўз қарорлари сабаблари ҳақида ҳозирча ҳеч нарса демаяпти.

Грузияда ўтказилажак ҳарбий машқларда НАТОга аъзо 19 та мамлакат ҳарбийлари ва ушбу алянс ҳамкорлари вакилларидан иборат 1300 нафарга яқин ҳарбий иштирок этади. НАТО маъмуриятининг ваъда қилишича, ҳарбий машқларда ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалардан фойдаланилмайди.

Россия эса ушбу машқлар ўтказилишига қарши.

ФАЗОДА ЧИҚИНДИ
кўпайиб бормоқда

Ер орбитасида фаолият юритаётган сунъий йўлдошлар ва «ўлик» сунъий йўлдошлар, уларнинг ва ракеталарнинг синиқлари ҳамда бўлаклари жорий йилнинг биринчи чорагида анчага кўпайган.

Аввал коинот кенгликларини назорат қилиш воситалари орқали 12743 та сунъий объект кузатилган бўлса, кейинги 24 ой ичида уларнинг сони 13897 тага етган («жонли» ва «жонсиз» космик аппаратлар 3226 та, уларнинг сони уч ойда 18 тага кўпайган ҳамда юк ташувчи ракеталар бўлаклари ва бошқа объектлар 10671 та, улар эса биринчи чоракда 1136 тага ортган).

Американинг NASA космик агентлиги томонидан тайёрланган чорак ҳисоботида қайд этилишича, бу жуда катта кўрсаткичдир. Фазода чиқиндиларнинг бу даражада кўпайишига жорий йилнинг февраль ойида Россиянинг «Космос-2251» ва Американинг «Iridium-33» сунъий йўлдошлари тўқнашуви асосий сабаб бўлди.

Бугунги кунда коинотда «санқиб юрган» сунъий объектларнинг 5018 таси (кейинги уч ойда 603 тага кўпайган) Россия ва МДҲ мамлакатларига тегишли бўлса (уларнинг 1381 таси сунъий йўлдошлар, 3637 таси космик чиқиндилар — ракета бўлаклари), 4550 та сунъий объект (уч ойда 219 тага кўпайган) АҚШникидир (1101 таси сунъий йўлдошлар, колганлари ракета синиқлари). Хитойники 2932 тани (77 таси сунъий йўлдош, 2855 таси ракета қолдиклари) ташкил этади. Ушбу «учлик» коинот кенгликларида чиқиндилар кўпайишининг асосий сабабкорларидир. Бунда уларнинг улуши 92,7 фоизга тенг.

Улардан бошқа «ҳиссадорлар» ҳам бор. Франция — 459 та, Япония — 185 та, Ҳиндистон — 151 та, Европа космик агентлиги — 74 та сунъий объектларга эга. Бу объектларнинг айримлари фаолият юритаётган бўлса, айримлари эса «ўлик», яъни ишдан чиққан сунъий йўлдошлар ёки ракета бўлаклари ва синиқларидир.

ҚИЗГА НИСБАТАН
ўғилнинг туғилиши асоратлироқ

Исроилнинг тиббиёт олимлари ўн йиллик кузатувлардан сўнг шундай хулосага келишдики, ўғилнинг туғилиши қизнинг дунёга келишига нисбатан она учун анча асоратлироқ экан.

Маълумки, ўғил ҳомила қиз ҳомилага қараганда вазни анча оғир бўлади. Бу эса она организми учун бироз юк бўлади. Бундан ташқари, ўғил ҳомила она қонидаги тестостерон даражасини ошириб юборади ва бу ўз ўрнида иммун тизими кучсизланишини келтириб чиқаради, шунинг учун ҳам ўғил ҳомиласи бор она касалликларга ҳимоясиз бўлиб қолади. Муддатига етмай туғилиш ҳоллари ҳам кўпинча ўғил ҳомиласи бор оналарда учрайди.

Маълумотларга қараганда, дунё юзини кўраётган ўғил болаларнинг 10 фоизи жарроҳлик йўли билан туғилади. Шунинг учун ҳам олимлар ўғил ҳомиласи бор оналар тиббий кўрикдан мунтазаам ўтиб туришлари лозим, деб огоҳлантирмоқдалар.

«POYTAXT AUKSION»
давлат унитар корхонаси

ўтказилган кимошди савдолари натижаларига кўра қуйидаги объектлар:

— «Тошқишлоқмаш» ОАЖ тасарруфидаги д/р 10AZ573 бўлган «КамАЗ-53213» русумли автотранспорт воситаси 20 300 000 сўмга;

— Ўзбекистон Республикаси МХХ МТХТБ Автотранспорт хизмати тасарруфидаги д/р 10AQ685 бўлган ҳамда д/р 10AS343 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари жами 8 950 000 сўмга;

— Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармаси тасарруфидаги д/р 10AA231 бўлган «Дамас» ҳамда д/р 10AL399 бўлган «ГАЗ-5204» русумли автотранспорт воситалари жами 7 200 000 сўмга;

— «SHAYXONTOHUR-INVEST» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги д/р 10AX331 бўлган «ГАЗ-5204» русумли автотранспорт воситаси 3 000 000 сўмга;

— Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фелдъегерлик хизмати тасарруфидаги д/р 10AT792 бўлган «ГАЗ-5312», д/р 10AT793 бўлган «КАВЗ-3270» ҳамда д/р 01/458 ДАА бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситалари жами 8 180 000 сўмга;

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаментининг умумий майдони 62 кв.метрга тенг бўлган 9 қаватли бинога тақаб қурилган 1 қаватли бинонинг ертўла қисми 8 500 000 сўмга тенг инвестиция киритиш шарти билан 22 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АВТООЙНА» ОАЖ
қайта танлов савдоси эълон қилади:

Объект номи:
ЯНГИ ЛАМИНАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ЎРНАТИШ ҲИСОБИГА КЕСИШ ВА ТОБЛАШ ҚУВВАТИНИ ОШИРИШ
Муддати — 3 ой.
Бошланғич нархи — 5,5 млрд. сўм ҚҚС билан
Буюртмачи: *Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси.*
Манзили: Фарғона шаҳар, Истиқлол кўчаси, 1-а уй, тел: 223-38-86

Қурилиш-монтаж ишлари «Ўзавтосаноат» АКнинг заём маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг пархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.

Спорт

«БУНЁДКОР»НИНГ САФАРДАГИ ҒАЛАБАСИ

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Мусобақанинг «Д» гуруҳида иштирок этаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Эронда «Сепахон» футболчилари меҳмони бўлди.

Ёдингизда бўлса, бундан икки ҳафта муқаддам ана шу жамоаларнинг Тошкентда кечган дастлабки учрашувида 2:2 ҳисоби қайд этилганди. Бунёдкорчилар бу гал сафарда тўп суришларига қарамай мазмунли ва ҳужумкор ўйин кўрсатишди. Гарчи, учрашув тақдирини 19-дақиқада Тимур Копадзе томонидан киритилган ягона тўп ҳал этган бўлса-да, «қалдирғочлар» майдонда уюшқоқлик билан ҳаракат қилдилар.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда «Ал-Шабаб» (Бирлашган Араб Амирликлари) футболчилари ўз майдонларида «Ал-Иттифоқ» (Саудия Арабистони) жамоасига йирик 1:4 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

ОФК кубоги («А» гуруҳи) баҳсларида илк мароталаба қатнашаётган Фарғонанинг «Нефтчи» вакиллари аста-секин ўз ўйинларини топа бошлашди. Охирги турда улар Баҳрайнда «Бусайтин» жамоаси билан куч синашдилар. Учрашувнинг 86-дақиқасигача 2:1 ҳисобида олдинда бораётган фарғоналиклар ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юбориб, нақд ғалабани қўлдан чиқардилар — 2:2. Ҳамюртларимиздан тўпларни Мансур Саидов ҳамда Шерзод Ҳакимов киритди.

Гуруҳнинг «Ал-Тилол» (Яман) — «Ал-Аҳад» (Ливан) жамоалари учрашувида мезбонлар зафар қучишди — 2:1.

Кеча эса Осиё чемпионлар лигаси «А» гуруҳида иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Эроннинг «Саба Баттери» футболчиларини қабул қилди. Гуруҳда якка пешқадам бўлиб турган пахтакорчилар ўзларининг навбатдаги ғалабаларини тантана қилишди — 2:1. Тўпларни вакилларимиздан Одил Аҳмедов ва Станислав Андреев киритди.

(Ўз мухбиримиз)

Денов туманидаги 67-санаторий мактаб-интернат қайта бунёд этилди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига қарийб бир миллиард сўм сарфланди. Эндиликда замон талаблари асосида жиҳозланган фан хоналари, муҳташам спорт зали, 220 ўринли ошхона, шинам ётоқхона ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

— Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида қурилган эски бино бугунги кун талабига жавоб бермай қолганди, — дейди мактаб-интернат директори Раъно Саломова. — Истиқлол шарофати билан орзуларимиз ушалди. Яратилган шарт-шароитлардан устозу мураббийлар, ёш авлод ҳамда ота-оналар миннатдор.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *67-санаторий мактаб-интернат ҳаётидан лавҳалар.*

Муҳаммади ЖУМАЕВ олган суратлар.

ЯНГИ ТИББИЙ УСКУНА

Яқинда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалига 6 та санитар автомашина, сунъий нафас олдириш қурилмалари, наркоз аппаратлари, анализатор ва бошқа 100 миллион сўмликдан кўпроқ тиббий ускуналар келтирилди.

— Бу тиббий ускуналарнинг ҳаммаси вилоятнинг чекка қишлоқларидаги шифохоналар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларига етказиб берилди, — дейди филиал директори, тиббиёт фанлари доктори Мухтор Эшбеков. — Демак, олис қишлоқларимиз аҳолисига янада малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

Орамиздаги одамлар



Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Нью-Йорк ҳамда халқаро экология ва ҳаёт академияси академиги, С.П.Боткин номидаги мукофот соҳиби, Андижон давлат тиббиёт институтининг кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, партиямиз фаоли Сайфитдин Юнусович Турсуновнинг яна бир «унвони» бор...

ЮРАК БИЛАН «ТИЛЛАШГАН» ДОКТОР

Навбатчи ҳамшира докторга юзланди:

— Сайфитдин Юнусович, бир онахон сизни сўраяпти, кўришмасам бўлмайди, — дейди.

— Ёши улуғларнинг дуосини олайлик, марҳамат, кирсин, — деди шифокор хушмуомалалик билан.

— Профессор ўғлим, сизни бир кўргани келдим, — деди хонага қадам қўйиши билан онахон.

— Онахон, саломатлигингиз қандай? Юрак нима деяпти? Айтганимдай «юракка қулоқ» соляпсизми? — деди доктор қувноқлик билан.

— Маслаҳатларингизга амал қиляпман, — деди нуроний онахон ҳам хурсанд бўлиб. — Шукр, юрагим «яхшиман!» деяпти.

— Қани бўлмаса, мен ҳам бир юрагингизни эшитиб кўрай-чи? У менга нималар деркин?

— Онахон, тўғри гапни айтибсиз, — деди танометрни қўлидан қўяётган доктор. — Ростан ҳам юрагингиз «яхшиман» деяпти, қон босими жойида.

Онахон бундай меҳр ва эътибордан миннатдор бўлиб хонадан чиқди.

Профессорнинг ҳар бир куни шундай яхшиликка, беморлар дардига малҳам бўлишдек мақсадга қаратилган. «Мен сиздан шифо топдим, раҳмат», деган сўзларни эшитса, унинг шижоати ошиб кетади, кучига куч қўшилади. Ўзи даволаган бемор шифо топганини мукофот ўрнида қабул қилади. Шифокор олим юрак касалликларини аниқлаш ва даволашда янги-янги муваффақиятга эришиши, аслида шундан.

Сайфитдин Юнусович кўп йиллик меҳнат фаолияти мобайнида кардиология соҳасида ўзига хос мактаб яратди.

Устоз ҳар бир ишда шогирдларига ибрат бўлишга ҳаракат қилади. Инсонда юрак касалликларининг пайдо бўлишида ирсий омиллар муҳим ўрин тутишини Сайфитдин Турсунов биринчилардан бўлиб илмий асослаб берган эди. Зеро, бу олимнинг тиббиёт генетикаси ривожига қўшган ҳиссаси бўлди.

— Устозга шогирд бўлиш менга насиб этганидан жуда бахтиёрман, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Одилжон Салоҳиддинов. — Домла илм ва амалиётда тўғри йўлни кўрсатиб, меҳрини аямай маслаҳатлар берадилар.

Профессор Сайфитдин Турсунов юзлаб шогирдлар тайёрлади. Уларнинг камолида устознинг бағрикенглигию ёшларга меҳрибонлиги мужассам.

— Кардиолог хаста «юрак билан сўзлашиши» керак, — дейди устоз шогирдларига сабоқ бераркан. — Ана шунда бемор дарддан тез фориғ бўлади. Аввало, беморнинг кўнглини сўранг, сўнгра дардини эшитинг, шунда унинг касалига шифо берасиз.

Андижон давлат тиббиёт институти илмий-педагогик салоҳияти ошишида Сайфитдин Юнусович Турсуновдек жонкуяр ва талабчан устозларнинг меҳнати катта. Унинг раҳбарлигида 2008 йилда 6 та докторлик, 20 та номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди. Бу 2007 йилдагидан икки баравар кўп демак. Шунингдек, институт илмий жамоаси томонидан иккита дарслик, 9 та монография, 48 та ўқув-услубий қўлланма нашр қилинди, 93 та янгилик амалиётга татбиқ этилди, 64 та рационализаторлик таклифи республика патент идораларида рўйхатга олинди.

Мамлакатимиздаги журналларда 124 та, хорижий илмий журналларда 30 та, илмий-услубий тўпламларда 500 дан зиёд мақола, ахборот ва тезислар босилди.

Хорижий мамлакатлар олимлари иштирокида икки марта республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Сайфитдин Турсунов шогирдлари, шифокор-олимлар О.Салоҳитдинов, Н.Мамасолиев, У.Турсунов билан бирга «Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тармоқлари (ҚВП)да оилаларни профилактик скрининг текшириш асосида артериал гиппертония касаллигини барвақт аниқлаш, даволаш, олдини олиш асоратларини кескин камайтириш» дастурини тайёрлаб, ҳаётга татбиқ этди. Бу дастур аҳоли ўртасида артериал гиппертония касаллигини барвақт аниқлаш, шу хасталик туфайли келиб чиқадиган хавфли асоратларни камайтириш, инсонлар умрини узайтиришга хизмат қилмоқда.

— Юрак-қон-томир касалликлари ҳозирги замон тиббиётининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади, — дейди у. — Бизнинг мавжуд малака ва тажрибаларимиз асосида яратган ва тавсия этилган дастуримизда олимлару амалиётчи шифокорларнинг бутун билим ва маҳоратлари умумлаштирилган. Муҳтасар айтганда, шифокорларимиз қишлоқ аҳолиси билан яқиндан мулоқотлар ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратяпти.

У ЎзХДП фаоли сифатида ҳам электорат манфаати учун тинимсиз фидойилик кўрсатмоқда. Кам таъминланган оилалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олишни ўзининг муҳим вазифаларидан деб ҳисоблайди. Бу эзгу ишларга шогирдларини ҳам жалб этмоқда. Уларга инсонпарварликдан сабоқ бермоқда. Ана шу фазилатларини ҳисобга олиб уни «Инсонпарвар доктор» ҳам дейишади. Бу «унвон»ни унга одамлар беришган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хотира

МУҲАММАД ЮСУФНИ ЁД ЭТИБ...

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида Хотира ва қадрлаш куни ҳамда шоир таваллудининг 55 йиллиги муносабати билан «Муҳаммад Юсуф ижодида Ватан туйғуси» мавзусида адабий-бадиий тадбир ўтказилди.

Қатнашчилар шоир билан боғлиқ ёрқин хотираларидан сўзладилар. Жумладан, Муҳаммад Юсуф номидаги адабий-ижтимоий жамғарма раҳбари, шоирнинг рафиқаси Назира ас-Салом жамғарма фаолияти, шу кунга қадар Муҳаммад Юсуф ижодини кенг тарғиб қилиш ва шеърларини нашр этиш юзасидан олиб борилган ишлар ҳақида гапирди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир Муҳаммад Юсуфнинг бетакрор истеъдоди ҳақида тўхталди, у билан ўтган ижодий суҳбатларни хотирлади. Бобур Бобомурод ҳамда Мунаввара Усмоновларнинг шоир хотирасига бағишланган шеърлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.



Шунингдек, хотира кечасида Муҳаммад Юсуф шеърларини моҳирона куйга солган эл севган санъаткорлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Севара Назархон, Илҳом Фармонов, хонанда Анвар Ғаниевлар шоир қаламига мансуб қўшиқлардан ижро этганларида тадбир қатнашчилари дилрабо куй оҳангига жўр бўлдилар. Бу эса тадбирга ўзгача файз киритди.

Табиийки, бу хотира кечаси эл суйган шоир Муҳаммад Юсуф ижодини тарғиб этишга, ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашга ва уларнинг маънавиятини бойитишга хизмат қилади.

Эркин ХОЛБОБО

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академияси, Республика Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитаси ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорликда **«МАЪНАВИЯТ ВА ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТ»** *рукнидаги китоблар, рисолалар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар учун қўлёзмалар танловини эълон қилади.*

Танловда мазкур эълон чоп этилганидан сўнг 1 ой муддатда ушбу йўналишда тайёрланган қўлёзмалар билан иштирок этиш мумкин. Ғолибларга биринчи, иккинчи, учинчи мукофот ҳамда 5 та рағбатлантирувчи мукофотлар берилиши кўзда тутилган.

Тақдим этилган қўлёзмалар қайтарилмайди, танловда ғолиб деб топилган қўлёзмалар чоп қилинади.

Танловнинг бошқа шартлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

Тошкент, 100003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел: (99 871) 232-60-34, 232-60-61, 232-61-26, факс: (99 871) 239-17-83.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон тасвирий санъат ҳафталиги — 2009» санъат фестивали бошланди.



Бир ҳафта давом этадиган фестиваль доирасида ранг-баранг кўргазмалар, концертлар, маҳорат сабоқлари, миллий либослар кўриги, фильмлар намойиши, маънавий-маърифий анжуманлар ўтказилиши кўзда тутилган. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Озод юртнинг обод пойтахти», «Илҳом париси», «Камалак — 2009», «Миллий анъаналар ва замонавийлик» каби бадиий кўргазмалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, кўргазмалар иштирокчилари Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежи, Республика дизайн коллежи, тасвирий санъатга ихтисослашган мактаб-интернатларнинг талаба ва ўқувчилари ижоди, моҳир мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, халқ амалий санъати усталарининг ижоди ва фаолияти билан танишадилар.

Ижодий ишлар Марказий кўргазмалар зали атрофидаги кўча ва майдонлар, тарихий-меъморий мажмуалар, боғларда ҳам намойиш этилади. Ихлосмандларга шу ернинг ўзида рангтасвир асарининг яратилиш жараёни билан бевосита танишиш имконияти яратилади. Кўргазманинг ҳар бир куни тасвирий санъатнинг рангтасвир, графика, амалий ва миниатюра санъати, ҳайкалтарошлик ва дизайн каби алоҳида йўналишларига бағишланиши, айниқса, эътиборга моликдир.

Бу йилги фестиваль давомида олий таълим даргоҳлари ва ўрта махсус бадиий таълим масканларида фаолият кўрсатаётган тасвирий санъат усталари, рассомлар ва ўқитувчилар юртимизнинг барча вилоятларида бўлаётган ана шундай тасвирий санъат ҳафталикларида иштирок этиб, маҳорат сабоқларини ўтадилар. Айни пайтда ҳафталиқда Россия, Озарбойжон, АҚШ, Буюк Британия каби давлатлардан ҳам ижодкорлар иштирок этмоқда.

Суратларда: *санъат фестивалидан лавҳалар.*

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda